

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК:339.138:36(575.1)**

**МУСУРМОНОВА ДУРДОНА БОТИР ҚИЗИ**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**5A230401 – Маркетинг (товарлар ва хизматлар)  
мутахассислиги**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Самадов А.Н.**

**ТОШКЕНТ – 2018**


Ушбу диссертация ишида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий асослари ёритилган, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

In this dissertation thesis describes the theoretical foundations of the use of marketing research in the development of entrepreneurship, analysis of the use of marketing research in entrepreneurial activity, and ways to improve the effectiveness of marketing research in entrepreneurial activity, based on the analysis results.

Диссертация иши “Маркетинг” кафедрасида дастлабки химоядан ўтди  
“ 14 ” сентябрь 2018й., баённома № 8


Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Самадов А.Н.

12.05.18



Магистрант: Мусурмонова Д.Б.

10.05.18



## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>1-боб. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий асослари .....</b>	<b>9</b>
1.1. Миллий иқтисодиёт самарадорлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликнинг роли .....	9
1.2. Маркетинг тадқиқотларининг замонавий усуллари ва улардан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	26
1.3. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси....	43
Биринчи боб бўйича хулоса .....	59
<b>2-боб. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили .....</b>	<b>62</b>
2.1. Озиқ-овқат товарлари бозорини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг объектив зарурлиги.....	62
2.2. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳолати таҳлили .....	70
2.3. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш технологияси таҳлили.....	82
Иккинчи боб бўйича хулоса .....	94
<b>3-боб. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигин ошириш .....</b>	<b>97</b>
3.1. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш услубиятини такомиллаштириш .....	97
3.2. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш технологиясини такомиллаштириш.....	109
Учинчи боб бўйича хулоса .....	113
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>116</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>120</b>

## КИРИШ

**Магисрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги.** Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. Шу боис, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”га<sup>1</sup> алоҳида эътибор берилган. Бу ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг камровли ва чуқур илмий асосга эга бўлган маркетинг тадқиқотлари ўтказиш зарурлигини тақозо этмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль, 28 (6722) – сон.